



Яқинда Германиянинг Берлин шаҳрида анъанавий "Fruit Logistica" халқаро мева, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Энг аҳамиятлиси, илк бор намойиш қилинган қорақалпоқ қовунлари Европанинг бир қатор давлатларидан келган қатнашчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди.



"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан "Ватанимни обод қиламан" шиори остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда...



Наврўз — эзгулик ва янгиликнинг айёми. Тарихи неча минг йилларга бориб туташилган бу кўҳна ва ҳамшира навқирон байрамни ҳар йили интиқлик, шоду хуррамлик билан кутиб оламиз. Чунки Наврўз келиши билан инсон жисмида ҳам мўъжизавий куч-қудрат, қалбларимизда меҳр-муҳаббат туйғулари жўш уриб, яратилган бунёдкорлик ишларига чоғланамиз.

Самарқанд вилояти

ИҚТИДОРЛИ ҲУҚУВЧИЛАР — ҚАМОЛОТ САРИ

Нарвай туманидаги 43-умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг замон талаблари асосида таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилган.

Мактабда иқтидорли ўқувчилар кўпчилигини ташкил этади. Улар фан олимпиадалари бўйича туман, вилоят ва республика босқичларида фаол қатнашиб, faxрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Мактабда спортга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва мактаб ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик асосида талабалар ўз соҳаларига доир амалий машғулотларни шу ерда ўтказдилар.



Тоҳир НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

СУРАТДА: Оқтош шаҳридаги касб-хунар коллежи ўқувчиси 1-синфда амалий машғулотда.

Олий Мажлис Сенатида

Қонун ижодкорлиги жараёнида ўзаро ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўзаро ҳамкорлиги: амалиёт ва самарадорлик" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталарининг раислари, сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик суди судьялари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти ходимлари, Тошкент давлат юридик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ички иш-

лар вазирлиги академияси олимлари, мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Адвокатлар палатаси раҳбарлари ва мутахассислари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил январда бўлиб ўтган қўша мажлисидаги маърузасида парламент олдида қўйган вазифалардан келиб чиқиб, давра суҳбати иштирокчиларининг

диққат-эътибори чўқур ва ҳар томонлама ишлаб чиқилган, узок муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатда олиб борилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган қонун ижодкорлиги фаолияти дастурини яратиш масалаларига қаратилди. Иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислохотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг суҳбатчилари, уларда фаолиятнинг етишмаслигини енгил, қабул қилинаётган қонунлар иқтисоди таъминлайдиган процессуал механизмларни киритиш зарур бўлиб, бу охири-охири парламентда юксак даражада ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини оши-

риш йўллари узлуқсиз равишда излашни талаб қилади.

Масалани муҳокама қилиш чоғида давра суҳбати иштирокчилари Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўзаро ҳамкорлигини мустақамлаш билан биргаликда уни янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ҳам тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуман иштирокчилари қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш ва тақдим этилган қонунларнинг мазмун ва моҳияти юзасидан юқори ҳамда қўйи палата келишув комиссиялари доирасидаги баҳо-мунозаралар масалаларини ҳам қўйиш муҳокама қилидилар.

Очиқ ва қизгин ўтган ўзаро мулоқотда муҳокама қилинган масалага доир тавсиялар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Наманган вилояти

МАСЪУЛИЯТЛИ МАВСУМ БЎСАФАСИДА

Наманган вилоятида жорий йил пахта ҳосили учун чғит экин ишлари юзасидан кўргазмалар семинари бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, пахтачилик йўналишларидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этдилар.

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад, — дейди вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Жалолидин Хайдаров, — экин мавсумига пухта тайёргарликдир. Шу боис, тадбирда экин майдонларини текислашдан тўғри, пушта олиш ҳамда чғит экиннинг энг мақбул усулларидан фойдаланиш ҳақидаги қимматли маълумотларга алоҳида аҳамият берилди.

Мамъур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Анжуман

ТАЖРИБАЛАР АМАЛИЁТДА ҚЎЛ КЕЛАДИ

Баҳор. Наврўз. Деҳқон учун айни қизгин паллар. Маълумки, март-апрель ойлари кишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларни амалга оширишнинг муҳим даври ҳисобланади.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ва Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида "Кишлоқ хўжалигида илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда экинлар ҳосилдорлигини ошириш, сифати ва рақобатбардорлигини яхшилаш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш" мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари, республика миқёсининг турли ҳудудларидан келган фермерлар, тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этган йиғилишда фермерларимиз эришаётган ютуқ-

лар эътирофи этилди. Шунингдек, соҳага татбиқ этилаётган замонавий техникалар, янги усуллар, экинлар ҳосилдорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди. Таъкидландики, бугунги фермер мўл ҳосил етиштириш баробарида қайта ишлашни йўлга қўймоғи даркор. Бу борада фермерларимиз ибратли натижаларга эришмоқдалар.

Айни пайтда республикамизда 80 мингдан зиёд фермер хўжалиги 5856,9 минг гектар ерда фаолият кўрсатмоқда. Таҳлил этилган бўлса, ҳар бир фермерга ўртача 65 гектардан ер тўғри келмоқда. Фермер хўжаликларининг тенг ярми пахтачилик ва галлачилик, 25,5 мингтаси боғдорчилик ва узумчиликка, 5,39 мингтаси сабзавотчилик,

полизчиликка, 5,4 мингтаси чорвачилик, 9 мингдан ортиғи бошқа тармоқларга иктисослашган.

Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш соҳаси ривожлантириляпти. Хорижий тажрибалар, замонавий технологиялар билан танишиш имконияти яратилляпти. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган "AgrominTEX Expo" кўргазмаси муҳим аҳамият касб этаптир.

Анжуманда турли йўналишларда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар иштирок этиб, ўсимликлар ҳосилдорлигини оширишда ишлатилаётган турли воситалар, техникалар, замонавий технологиялар билан фермерларни таништирди.

Иштирокчилар агротехник тадбирларни амалга оширишда, масъулиятли дамларда ўзаро тажриба алмашиш, янги технологияларни амалиётда татбиқ этиш муваффақиятларга омил бўлишини таъкидлашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.КАРИМОВ ВА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Н.НАЗАРБОВНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тақлифига биноан 2010 йил 16-17 март кунлари Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди.

Давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, Марказий Осиё минтақасидаги ва унинг атрофидаги вазиятни, шунингдек, ўзаро қизиқлиш уйғотадиган долзарб халқаро муаммоларни ҳар томонлама муҳокама қилиб, давлатлараро мулоқотнинг эришилган даражасидан мамнун эканликларини изҳор этиб ва миллий манфаатлар ва ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга икки томон ҳам интилоётганини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1998 йил 31 октябрда имзоланган Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома қондаларига амал қилиб, икки мамлакат халқларининг тарихий ва маданий муштабақлигидан келиб чиқиб, қўйидаги ларни баён қилдилар:

1. Давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида олий даражадаги мулоқотни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга, икки томонлама ва кўп томонлама хусусиятга эга бўлган долзарб масалалар бўйича очик фикр алмашишга, икки давлат халқларининг тўб манфаатларига мос келадиган, Марказий Осиё минтақасини барқарор ривожлантириш ҳамда халқаро ва минтақавий барқарорликнинг муҳим омил ҳисобланган йўналишларни биргаликда белгилашга ва самарали ҳамкорликка муҳим аҳамият қаратадилар.

2. Президентлар икки томонлама ҳамкорлик ва Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини изчил амалга ошириш механизmlарини ривожлантиришда икки давлатнинг интилоштиларини таъкидлайдилар.

3. Томонлар икки томонлама савдо соҳасида ижобий тенденция мавжудлигини қайд этиб, ўзаро инвестицияларни ва банклараро алоқаларни рағбатлантириш, шунингдек, транзит ва транзит коммуникацияларини ривожлантириш борасида самарали ҳамкорликни таъминлаш орқали энг қулай шароитлар яратиб беришда қўмақлашиш ниятида эканликларини баён қилдилар.

Томонлар Туркманистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой газ магистралининг қурилиши ва ишга туширилишини минтақа мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлигининг янги йўналиши очилиши ва анъанавий яхши қўшничилик муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришга хизмат қиладиган минтақавий ҳамкорликнинг муваффақиятли масоли сифатида қайд этадилар.

4. Томонлар миллий хавфсизлик манфаатларидан келиб чиқиб, минтақада барқарорликни таъминлаш масалаларига муҳим аҳамият бериб, тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида икки ва кўп томонлама асосда халқаро терроризмга, сиёсий, диний ва бошқа турдаги экстремизмга, наркотрафика, трансмиллий уюшган жиноятчиликка, ноқонуний курашнинг савдоси ва нолегал миграцияга қарши курашишда ҳамкорликни мустақамлашга таявирлигини таъкидлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.КАРИМОВ

Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.НАЗАРБОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 17 март

Qishloq hayoti
Муассислар:
Ўзбекистон Республикаси Агросоноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги,
"Ергеодезкадастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари,
"Ўздонмахсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг",
"Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат",
"Ер-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромушсервис",
"Ўзгўштусаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Кишлоқ қурилиш банк", Халқ банки,
"Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросоноат ходимлари касаба уюшмаси
Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Сургаб Вилоят

ЁШЛАР САЛОҲИЯТИДАН ФЙДАЛАНИШ

Қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, суа хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан Сирдарё вилояти Сирдарё туманида "Қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришда ёшлар салоҳиятидан фойдаланиш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида амалга оширилган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда Ватанинг буюк келажагига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, эркин ва замонавий фикрлайдиган ёшларни тарбиялашдан иборатдир.



Суратда: сенаторлар ёшлар даврасида.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури ана шу мақсадларни рўйга чиқариш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Дастурда қишлоқ жойларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ёшларнинг салоҳиятини ана шу соҳага янада кенгроқ жалб этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалалари алоҳида ўрин тутгани бежиз эмас.

Сирдарё вилоятида ҳам қишлоқларда истиқомат қилаётган 18 ёшдан 28 ёшгача бўлган юзлаб ёшлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланоқда.

Сирдарё тумани педагогика касб-хунар коллежига йилгилган ёш тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам бу ҳақиқатни англаб олиш мумкин.

Давра суҳбати қатнашчилари қишлоқда тадбиркорликни ривожлантиришда ёшларнинг салоҳиятидан фойдаланиш каби муҳим вазифага дахлдор бўлган кенг доирадаги масалаларни, шу жумладан,

қилинган бўлса, шунинг 15 миллион АҚШ долларига тенг қисми қўшма корхоналар ҳисобига тўғри келади. Бу технологиялар модернизация қилинган, импорт ўрнини боса оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган илҳам ва иш самарадорлиги юқори бўлган ускуналар олиб келиб ўрнатилиши натижасидир. Албатта, бу ютуқлар кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришдек хайрли мақсадда қабул қилинган Қонунлар, Президент Фармонлари ва қарорларининг ҳаётга татбиқ этилиши шарофати билан қўлга киритилмоқда.

Давра суҳбати якунлари бўйича таъсирли қабул қилинди.

Очиқ ва илҳамлик руҳида ўтган давра суҳбатида Олий Мажлис Сенати аъзолари, вазирликлар, республика идора ва ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари Сирдарё вилояти ва туман кенгашларининг депутатлари, касб-хунар таълими мутахассислари, таниқли олимлар, ўрта махсус ўқув юрлари ўқувчилари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Дилмурод ҚИРФИЗБОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Муаллиф олган сурат.

"Ташаббус-2010"

ЭНГ ЯХШИЛАР САРАЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган аънавий "Ташаббус" кўрик-танлови юзлаб тадбиркор, хунарманд ва фермерларнинг самарали меҳнатини рағбатлантириб, уларни янада ташаббускорлик кўрсатиб ишлашга илҳомлантираётир.

Гулистон шаҳридаги Алпомиш спорт саройида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг Сирдарё вилояти босқичи маҳаллий хомашёдан бозоригр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, гўшт ва сутни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалигининг янги тармоқлари — балиқчилик, паррандчилик, қўнчиликни ривожлантиришда катта ўзгаришлар бўлаётганини намойиш этди.

Ҳакамлар ҳайъати гоилибларни аниқлашда, айниқса, тадбиркор, хунарманд ва фермерларнинг илҳам технологияларни қўллаш, маҳаллий хомашёдан бозоригр, экспортга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиб олишлари асосий эътиборни қаратдилар.

Сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни самарали йўлга қўйган Гулистон туманидаги "Макробит" хусусий корхонаси раҳбари Виктор Урбанович "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича гоилиб деб топилди. "Энг яхши фермер" йўналишида Гулистон туманидаги "Бобоназар" фермер хўжалиги раҳбари Соҳибназар Бобоназаров, "Энг яхши хунарманд" йўналиши бўйича Гулистон шаҳрилик Мадина Ҳожиева биринчи ўринни эгаллашди.

Гоилиблар фахрий диплом, уч ғилдиракли ва "Мунис" мотоцикллари, компьютер билан тақдирландилар. Энди улар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

Кўрик-танловнинг очилишида вилоят ҳокими Ойбек Ашурматов сўзга чиқди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

Самарқанддаги Ёшлар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган аънавий "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятда турли номинациялар бўйича гоилиб деб топилган 48 нафар тадбиркор фермерлар ва хунармандлар иштирок этдилар.

"Йилнинг энг яхши тадбиркори" номинацияси Самарқанд туманидаги "Тиббиёт мебель" МЧЖ раиси Муроб Шариповга насиб этди.

"Йилнинг энг яхши фермери" йўналиши бўйича гоилибликни Оқдарё туманидаги "Р. Ш. А." фермер хўжалиги раҳбари Хидоят Мамадова, "Йилнинг энг яхши хунарманди" йўналиши бўйича эса Самарқанд туманидаги "Коникул мерос" хусусий корхонаси раҳбари Зариф Мухторовлар қўлга киритишди. Улар эндиликда ушбу танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

Шунингдек, танловда яна 6 та қўшимча номинациялар бўйича ҳам гоилиблар аниқланди. Барча гоилибларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ

Тадбир

Яқинда Германиянинг Берлин шаҳрида аънавий "Fruit Logistica" халқаро меса, сабазот ва полва эканлари маҳсулотларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Энг аҳамиятлиси, илк бор намойиш қилинган қорақалпоқ қовунлари Европанинг бир қатор давлатларидан келган қатнашчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Қорақалпоқ қовунлари Германияда

Ана шу давлатнинг техник ҳамкорлик жамияти бир неча йиллардан буён республикада худудда қовун етиштириш, унинг зараркунадан қорғоғи қарши курашиш бўйича иш олиб бормоқда, — дейди "Орол денгизи регионининг иқтисодий ва экологик аҳолини яхшилашда ҳамкорлик" лойиҳасининг координатори Бахитжон Ҳабибуллаев. — Кегайли, Қорақалпоқ, Нукус, Чимбой ва Ҳўжайли тумани худудидаги 20 та фермер хўжаликларида қовун навларини кўпайтириш, плёнка остига экиш, парвартиш қилиш ишларидаги асосий муаммо ҳисобланган қовун пашшасига қарши курашиш бўйича улар билан ҳамкорлик қилинди. Нукус туманидан "Она ёр", Кегайлидан "Елбай Ш.М.Е.", "Табискер", Чимбойдаги "Орол" фермер хўжаликлари эндиликда қовун етиштириш бўйича яхшигина тажрибага эга.

Навларга аҳамият қаратилгандан сўнг қовун-тарвуз маҳсулотларининг турлари кўпайди, нархлари ҳам йилдан-йилга арзонлашмоқда. Бу — германиялик мутахассислар билан ҳамкорликнинг самарасидир.

Ўтган йили Тошкент педиатрия медицина институти Нукус филиалининг ташаббуси билан ўтказилган қовун сайлида, қовунларнинг қайта тикланган 40 га яқин навлари кўргазмага қўйилди. Тошкент давлат аграр университетини Нукус филиалининг олимлари ҳамкорликда эса "Ковун пашшаси ривожланиши, биологик яхшилик, унга қарши кураш олиб бориш бўйича таъсирлар" тўплами нашрдан чиқарилди.

— Қовун етиштириш, унинг зараркунадан қорғоғи қарши курашиш бўйича ўтган даврда яхши натижаларга эришилди, — дейди Б.Ҳабибуллаев. — Эндиги вазифа етиштирилган маҳсулотларни экспорт қилишдан иборат.

Германияда қорақалпоқ қовунларини қайта ишлаш, маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича хорижий мутахассислар билан ўзаро тажрибалаб алмашилди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ

БОҒБОН ҚИШЛОҒИДА НАВРЎЗ КУНИ УЙ ТҮЙЛАРИ ҲАМ БЎЛАДИ

Китоб туманидаги Боғбон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Чармаг массивида 20 та икки ва бир қаватли замонавий турар-жой бинолари қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Уни тумандаги махсус ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари барпо этишмоқда. Қисқа вақт ичида бир миллион сўмга яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Буюртмачи "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси лойиҳаси асосида ушбу турар-



Жиззах Вилоят

БИОГАЗ, ҚУЁШ ВА ШАМОЛ ЭНЕРГИЯСИ

муқобил энергия манбаларини кенг жорий этишда қишлоқ мулкдорлари ва олимлар ҳамкорлиги истиқболга хизмат қилади

Бу ўтган йилнинг ёзида бўлган воқеа. Фориш туманининг чекка қишлоқларидан бирида уч-тўрт нафар тинмагур болалар тўпламига, қий-чув қилганларча ўрталарида бир нарсани эрмак қилишарди. Қизиқиш-да! Яқинларига бориб, секин секин. Оқдий 40 литрлик олиб бочка турар, берк қопқоғи ўртасидан чиқарилган ингичка резина шланг учига ярим метрдан зиёдрок металл қувур уланган, қувурнинг очиб-беркитувчи дастали жўмраги ҳам бор эди.

— Нима қилгилар, болалар? — деб сўрадим улардан. — Мана бу Мамакўб дўстимиз Менделеев бўлибди, — деди уларнинг 14-15 ёшлардаги новчароғи. — Мол гўнгида тезакгаз иктиро қилибди, шуни ёқиб кўряпмиз. Кўйининг чароғон нуриданми ёки оловнинг заифлигиданми, қизмаган эканман, жўмрак учига қизғиш-қуқиш ўт ёнарди. — Бочкаларинг ичида нима бор? — сўрадим улардан. — Тўлдирилган гўнг, — деди улардан бири. — Уч-тўрт кундан бери бочка қопқоғини беркитиб, қуёшда сақладик. Бугун кўрсак, жуда таранг бўлиб кетибди. Жўмраки секин очиб, гугурт чаккан эдик, қуриб турганингиздай олов ёнапти.

нолар қад ростлади. Канализация тармоқлари қурилиши сифатли амалга оширилди. Хонадонларда электр таъминоти барқарорлигини камифолатловчи трансформаторлар ўрнатилган, 36 нафар қурувчи ишининг сифатига алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Мазкур замонавий турар-жой биноларини Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширамиз, — дейди иш юритувчи Қодир Аҳадов. — Турар-жой бинолари қурилишида 110 нафар иши кучи, 30 дан ортқ техника воситалари юқори унум билан ишлатилмоқда. 7 та ёрдამчи ташкилотлар ҳам ўзларига юқлатилган ишни бекаму кўст бажармоқдалар.

— Ташкилотимизга 2009 йилнинг апрель ойида асос солинган, — дейди махсус ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш МЧЖ раиси Фахриддин Бобоев. — Туманимиздаги Бешқозоқ, Бештерақ, Айрончи қишлоқлари ва Китоб шаҳридаги тажрибали қурувчиларни жалб этганмиз. Бетон ишлаб



Бунёдкорлик

чиқариш, шпаклёвка цехларида 16 киши меҳнат қиляпти. Эшик ва дераза ромлари учун замонавий пластик мосламалар ҳам ўзимизда тайёрланмоқда. Мазкур турар-жойларни Наврўз умумхалқ байрами арафасида фойдаланишга топшириб, 50 хонадонга мўлжалланган янги буюртма — 25 та турар-жой биноларини барпо этишга киришамиз. Мазкур турар-жой бинолари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллиги бай-

рами арафасида фойдаланишга топширилади. Ҳа, Чармагарда янги, замонавий қишлоқ қад ростляпти. Бошқача қилиб айтганда, Қишлоқ тарихиёти ва фаровонлиги йилнинг узвий давоми Баркамол авлод йиллида ана шундай бунёдкорлик ишлари билан тарих саҳифаларига муҳрланмоқда.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ҳам гўнг ва чиқиндилардан биогаз олиш яхши йўлга қўйилган. Ана, Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг бир гуруҳ олимлари биологик чиқиндиларни бижғитиб, газ олиб берадиган друстгина қурилма истихро қилишган. Бу қурилманинг энергия ишлаб чиқариш қуввати ҳам, унумдорлиги ҳам анча юқори. Фақат улардан фойдаланишни кенгроқ йўлга қўйишимиз керак. Табиатдан олиб, хозирги биз фойдаланаётган газ ва нефть энергия манбалари унчалик ҳам кечкиз-чегарасиз, бевақо эмас. Бу ерларга қуёш ва шамол энергияси олиб келаётганимиз сабаби ҳам — шу!

Айтмоқчи бўлганимиз, биогаз олиш, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш қишлоқ аҳолиси-га катта наф келтириб, фаровонликларини оширишга хизмат қилади. Демак, мамлакатимиз олимлари бу борада истиқболли, фойдали тақлифлари билан ҳамкорлик қилишса мақсадга мувофиқ бўларди.

Келдиёр ЖҲАҚУЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

О Наврўз таратдудди

Қорақалпоғистон Республикаси

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан "Ватанимни обод қиламан" шиори остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича кенг кўламадаги ишлар амалга оширилмоқда.

"ВАТАНИМНИ ОБОД ҚИЛАМАН"

Икки йилдан буюн ўтказиб келинаётган "Ватанимни обод қиламан" акцияси "Ҳашар — ёшларга ярашар", "Ҳашидан бог колар", "Ўтганлар руҳини шод қилайлик", "Меҳр-мурувват байрами — Наврўз" каби тадбирларни ўз ичига олган. Умумтаълим мактаблари ўртасида "Энг озода синф", "Энг обод ўкув юрти", маҳаллалар билан ҳамкорликда "Бу — сенинг, менинг Ватаним!", "Ватанимиз остонаси тозалигига бефарқ бўлмайлик", "Хар болага бир кўчат" шиорлари асосида танловлар ўтказилмоқда.

Байрам кунлари "Энг озода оила", "Энг чиройли кўча", "Маҳалланинг энг фаол ёши" номинациялари бўйича голиблар аниқланиб, тақдирланади. Мазкур тадбирлар баҳор ойларида, байрамларда, миллий байрамларимизда ўзгача кўтаринки руҳда ўтказилади.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти

АРХИВЛАР МУКАММАЛ БЎЛСА, ҚИЙИНЧИЛИК ТУФИЛМАЙДИ

Келдиёр Топиболдиевни Яққабог туманида кўпчилик яхши танийди. Дала меҳнатига тобланиб, обрў топганлардан. Пахта етиштириш ва богдорчиликдан юқори ҳосил олишда танилган. Фермерлик ҳаракати бошланган даврда ҳам туманда биринчилар қаторида мулкдор бўлди ва деҳқонга имкон берилса, у нималарга қодир эканлигини ишлаб чиқариш соҳаларида кўрсата олди. Нафақа ёшига етгач, фарзандларини ёнига тўплади-да, иш бошқариш масъулиятини уларга топшириб, нафақага чиқишини айтди.

Эртаси куни тегишли ташкилотга учраб, зарур ҳужжатларни тўплашга киришди. Ўтган даврлардаги меҳнат стажларини тўплагунча қарийб икки ой бир неча корхоналар эшигини қоқишга тўғри келди.

Мақола бошида ана шу мисолга алоҳида тўхталишимизнинг боиси бор. Яқин йилларгача нафақага кузатилаётган кишиларнинг аксарияти қайси соҳа ёки мансабда ишлашдан қатъи назар бу жараёнда кўплаб муаммоларни босиб ўтишига тўғри келарди.

Нафақани расмийлаштиришдаги бу каби овозгарчиликларнинг асосий сабаби, мулк шакли ўзгарган корхона ёки ташкилотларнинг баъзиларида архив ҳужжатларига беэътиборлик сабабли улар йўқолиб кетишгача бориб етганди.

Бундан ташқари, мустақиллик йилларигача архив муассасалари соҳа талабига жавоб бермайдиган биноларда фаолият юритиб, улар асосан давлат аҳамиятига молик ташкилотларнинг ҳужжатларини қабул қилиб, сақларди. Бошқа ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳужжатларини қабул қилиш ва сақлашга имкониятлар етмасди.

Ислохотлар туфайли Ўзбекистон Республикасининг "Архивлар тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда архив ишини ва иш юритишни янада яхшилаш тўғрисида"ги қарори соҳадагилар фаолиятини замонавийлаштиришга ҳамда хизматлар тизимини яхшилашга имкон берди.

Ўтган даврда Қашқадарё вилояти-

да ҳам бу борада бир талай ишлар қилинди. Жумладан, биргина архив иши бошқармаси таркибидаги 9 та филиалнинг шароитлари яхшиланди ҳамда мурожаат қилувчиларнинг овозгарчиликлари барҳам топиши учун улар сони 21 тага етказилди. Муҳими, қонунлар шарофати билан махсус мослаштирилган бинолар ажратилиб, бўлимлар янги замонавий техника воситалари, компьютер, сканерлар, нусха қўчурувчи мосламалар билан жиҳозланди.

Ислохотлар туфайли Ўзбекистон Республикасининг "Архивлар тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда архив ишини ва иш юритишни янада яхшилаш тўғрисида"ги қарори соҳадагилар фаолиятини замонавийлаштиришга ҳамда хизматлар тизимини яхшилашга имкон берди.

— Вилоятдаги соҳа мутахассислари фуқароларга архив маълумотномалари асосида давлат нафақаси тайинланиши учун ҳеч бир муаммолар юзага келмаслиги мақсадида тугатилиб, янги йўналишда фаолият юритаётган ворис корхоналарнинг мутасаддилари билан ҳамкорликни йўлга қўйишди. Натижада ўнлаб собиқ ташкилотлар, колхоз ва совхозлардаги ҳужжатларни қайта тиклашга эришилаётир.

Вилоят архив иши бошқармаси бошлиғи Абдурашид Бўтаевнинг таъкидлашича, давлат архиви муассасаларидаги 3463 жамғармада 447958

Хизмат

сақлов бирлиги ҳужжатлари мавжуд. Улар орасида тугатилиб кетган ташкилотларники жуда оз қисмини ташкил қилади. Асосан қишлоқ ҳўжалиги ва қурилиш ташкилотларида ҳужжатлар асрови талаб даражасида эмас. Масалан, "Қаршиқурилиш" бошқармасининг трест ва бирлашмалари таркибида кўплаб ташкилотлар, кўчма жамланмалар бор эди. Ёки "Вилжамоқурилиш", "Қашқадарёқишлоққурилиш", "Қашқадарёсувқурилиш" каби корхоналарда ҳам архив ҳужжатлари сақланиб қолмаган ёхуд ўлда-жўлда ётибди.

Ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектининг иш юритиш ҳужжатлари тўплами ўз вақтида давлат архивларига жўнатилиб борилиши, айниқса, фаолияти тўхтатилганда ҳужжатлар бу жойга топширилиши лозим. Бу — ишлаган ходимларни ижтимоий Ҳимоя қилишга асос бўлувчи ҳужжатлар асраб қолинишини таъминлайди.

Шу мақсадда бўлимлардаги мутахассислар жойларга чиқиб, тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Айтайлик, бу борада қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фермерларни оптималлаштиришдан кейинги мулкдорлар билан қилинаётган ҳамкорликнинг самараси мақсадга эришишда муҳим омил бўлмоқда. Фермер ҳўжаликларида меҳнат қилган ишловчиларга дахлдор ҳужжатлар қонун доирасида расмийлаштирилмоқда, — деб таъкидлади суҳбатдошимиз.

Албатта, ҳужжатлар корхона, ташкилотларнинг тарихи, ўзига хос маъмури ҳисобланади. Улар нафақат корхона учун, балки келажақда ҳам одамларга хизмат қилиши табиий. Шу боисдан юртимизда соҳага йўналтирилган қонунлар амалга татбиқ қилинганда, вилоят архив иши бошқармасида ҳам ҳужжат ишлари ва уни тартибга келтириш бўйича эришилган ютуқлар бир талай. Муҳими, нафақа чикувчилар бу борада яратиб берилаётган шарт-шароитлардан мамнун бўлишмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки



Эзгулик ва боқий ақдоналар элчиси — Наврўз байрами муносабати билан таъликати, низининг барга фуқароларини қизин табриклайди. Эл-юрт фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган юртдошларимизга чикан муваффақиятлар ёр бўлсин!

Шодиёна кунлари Сиз учун манфаатли шартларга асосланган янги "КўКЛАМ-2" ЮТУҚАН ОМОНАТЛИНИ

таклиф этади. "Кўклам-2" омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида 100 000 (бир юз минг) сўм миқдоридан нақд пулда 2010 йилнинг 1 апрелига қадар қабул қилинади. Мазкур омонатга физ даромади тўланиши билан бирга ютуқлар тиражи ўтказилиб, ютуқлар тиражи 2010 йил апрель ойининг иккинчи декадасида ўтказилади. Ютуқлар тиражида "Матиз" автомобили, телевизор, кир ювиш машинаси, каби буюм ва пул ютуқлари ўйналади. Яратилган имкониятлардан умумли фойдаланинг! Аҳоли омонатлари дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган! Мурожаат учун тел: 150-12-91.

АГРОБАНК ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ўз акциядорлари, мижозларини ва барча юртдошларимизни НАВРЎЗ айёми билан самимий қутлайди!

Наврўз — табиатнинг уйғониш фасли, умумхалқ байрами, меҳр-мурувват айёми, орзу-умидлар рамзи. Шу билан бирга, Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиат чексиз саховатининг ёрқин кўринишидир. Шу боис халқимиз Наврўзни ўзгача соғинч, ўзгача умид билан кутади. Зеро, ушбу айём қалбларимизга ёруғлик олиб киради, кўнгиларимизни мунаввар этади. Табиатга меҳр, эртанги кунга ишонч уйғотади. Наврўз шунинг учун ҳам азиз ва улуғ айёмдир.



Ушбу қувончли кунларда "АГРОБАНК" азиз юртдошларимизга саломатлик, баркамоллик ва фаровонлик тилайди! Ушбу айёмда "Агробанк" дехкон ҳўжаликларига ўз шахсий томоркаларида мева-сабзавот ва картошка етиштириш учун сабзавот ва картошка уруғлари, мева ва узум кўчатлари сотиб олишга микрокредитлар ажратилишини маълум қилади.

Наврўз Сизга БАҲМ ва ОМАД келтирсин! "АГРОБАНК" — юрт ободлиги ва яратувчанлик юзларининг молиявий таъини!

Тошкент ш. Миробод т. ҳокимияти ҳўзуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2009 йил 14 августдаги реестрининг 004037-03 сонли тартиб рақами билан рўйхатга олинган "ALFA-BAKERY" ХСИ МЧЖнинг Устав фонди 15 000 000 сўмдан 5 000 000 сўмга камайтирилганини маълум қилади. Даво-лар учун тел.: 928-61-54. "LYUKS TRANS SERVIS" МЧЖ (ИНН 206708784) Устав жамғармасини 15 000 000 сўм ва 60 000 долларгача камайтирмоқда. Тел.: 741-20-25. Тошкент ш. Чилонзор т.да рўйхатга олинган "LOGUS INVESTMEN" МЧЖ (ИНН 301035137), таъсисчилар тартиби ўзгариши муносабати билан Устав фондини 950 000 000 сўмдан 37 000 000 сўмга камайтирилганини маълум қилади. ДП "KVANT-ENERGIYA" (ИНН 205054525) преобразуется на ООО "KVANT-ENERGIYA". Протокол собрания от 15.03.2010 г.

Муборакбод этамиз! Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси замонларни замонларга боғловчи, фидойи, жонкуяр касб эгалари бўлган азиз ўқитувчиларни, шунингдек, серқуёш диёримизда яшаётган ҳар бир инсонни баҳор тароватини олиб келаётган Наврўз айёми билан самимий қутлайди! Барга-баргага эзгу ҳис-тўйиулар доимий ҳамроҳ бўлишини тилайди!

Байрамлар келинчаги Наврўз!

Наврўз — эгулик ва янгиланиш айёми. Тарихи неча минг йилларга бориб туташидиган бу кўҳна ва ҳамisha навқирон байрамни ҳар йили интиқлик, шоду хуррамлик билан кутиб оламиз. Чунки Наврўз келиши билан инсон жисмида ҳам мўъжизавий куч-қудрат, қалбларимизда меҳр-муҳаббат туйғулари жўш уриб, яратиш ва бунёдкорлик ишларига чоғланамиз.

Бободехқонлар эгу ниятлар билан ризқ-рўз яратиш мақсадида барака уруғларини қадайдилар.

Наврўз — поклик, ободлик, файзу барака тимсоли. Қишдан эсон-омон чиққанликка шукрона келтириб, ҳовли-жойлар, барча гўшалар тозаланади, саранжом-сарийшта қилинади, умумхалқ ҳашарлари уюштирилади. Момоларимиз дош-қозонларда сумалаклар пишириб, Наврўзга пешвоз чиқади-лар.

Ушбу нурафшон кун ҳақида Умар Хайёмнинг "Наврўзнама" асарида, Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида, Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида турли маълумотлар берилган, асрлар, йиллар ўтса-да, Нав-

рўзнинг мадҳи халқ дилидан, шоирлар тилидан тушмай келмоқда. Бобомиз Мир Алишер Навоий асарларида ҳам Наврўз таърифи ўз ифодасини

топган.

Истиқлолимиз туйғайли Наврўз байрами ўзгача мазмун-моҳият касб этмоқда. Умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Меҳр-муҳаббат, саховат, эгуликлар элчиси бўлиб қалбларга кириб бормоқда. Наврўз шодивналари арафасида нуроний отахону муниса онахонлардан хабар олиш, ногирон ва беморларга меҳр кўрсатиш аянгага айланган.

Байрамлар келинчаги — Наврўз арафасида мамлакатимизнинг турли вилоятларида бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам ўнлаб янги ва замонавий бинолар бунёд этилганидан қувончларимиз чексиз. Биз байрамлари туйғуларга уланаётган юртда кучли, билимли ва албатта, бахтли бўлиб яшашимиз учун кўрсатилаётган ғам-хўрликларга муносиб фарзандлар бўламиз.

Асилбек АЗИЗБЕКОВ,
Тошкент ирригация ва мелиорация институти талабаси.



Ипотека-Банк

Сизни яқинлашиб келаётган баҳор айёми — Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч, шодлик тилаймиз.

Баҳорий кайфият Сизни ҳеч қачон тарк этмасин.

ИПОТЕКА BANK

ЎЗР МБ 74—сонли лицензияси

O'ZSANOATQURILISHBANK

“Ўзсаноатқурилишбанк”
очиқ акциядорлик тижорат банки

Барча юртдошларимизни НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий табриклайди ва промо-акцияда иштирок этишга таклиф қилади.



ПРОМО-АКЦИЯ!



ФАҚАТ 15 МАРТАДАН 15 АПРЕЛГАЧА “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК”ДАН УНИТИМАС БАҲОРИЙ СОВҒАЛАРИ!

Ўзсаноатқурилишбанк VISA пластик карточкаларидан фойдаланинг ва 2010 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатида йўлланмани ютиб олинг!

Акция шартлари:

- “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг VISA карточкалари эгалари ҳамда акция мобайнида пластик карточка очтирган барча юртдошларимиз промо-акция иштирокчилари ҳисобланишади.
- Бош мукофот - 2010 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатида йўлланма учун ўйинда 250 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда 10 та транзакцияни амалга оширган жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин.
- Қолган совринлар эса 200 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда 5 та транзакцияни амалга оширган жисмоний шахслар ўртасида ўиналади.



Шунингдек Сиз куйидаги **СОВРИНЛАР** эгаси бўлишингиз мумкин!



ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАЛГАН ИШОНЧ!

Қўшимча маълумотларни www.uzpsb.uz саитидан ва 120-45-42 телефони орқали олишингиз мумкин.

Утеринное лицензионное соглашение на лицензию за № 4678, выданное Министерством Здравоохранения РФ на СП "Репроду", считать недействительным.

ЧП "DLOS-UMID" (код по ОКПО 18586325, ИНН 204106150) реорганизуется в ООО "DLOS-UMID". Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент Ц-14 д.22 кв-ра 13.

ООО "INDEX SERVIS PARRANDA" (ИНН 300980854), зарегистрированное хокимиятом г.Коканд Ферганской обл. № 2898 от 11.11.2008 г., ликвидируется (протокол собрания учредителей № 1 от 18.03.2010 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 159-11-88.

ЧП "MUKAMBAR SHIRINLIKLARI" (ИНН 301328064) зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского р-на г.Ташкента № 003588-09 от 25 сентября 2009 г., ликвидируется (протокол собрания учредителей № 1 от 17.03.2010 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 313-15-19.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги жамоаси Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси бошлиянинг биринчи ўринбосари **Содиқжон ДАДАХОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

ООО "SEZAYIR FOOD" (код по ОКПО 21561381, ИНН 300160799), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: Яккасарайский р-н ул.Кушбеги 6, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 18 марта 2010 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 775-00-93.

"AGTECH AGRI"

шўба корхонаси фермерларга "Джон Дир" техникаларини таклиф этади.

Тошкентдаги омборхонадан галла ва шולי ўриш, пахта териш комбайнлари ҳамда ер ҳайдов тракторлари сотилади.

Кафолат муддати 1 йил ҳамда сервис хизмати кўрсатилади.

Телефонлар (+99871) 244-69-79; 241-02-29 (+99897) 746-10-56 сот.
E-mail: info@agtec.uz
Манзил: Тошкент ш. Навоий кўчаси 3/75.



Бош муҳаррир
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Зафар РЎЗИЕВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидмин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУКОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВ, Зийвуддин ОБИДОВ, Хамиджон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Агитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Ўткир РАХМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманияз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ФУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Кабулхона — 236-58-83. Котибхона — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78. Мазнавият ва маърифат бўлими — 236-56-21. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.
ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси — 352-54-58; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 593-27-57; Жиззах — 366-61-16; Навоий — 224-69-08; Наманган — 224-81-65; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 586-06-89; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 520-69-14; Қашқадарё — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.

Реклама ва эълонлар —
236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун бурортмачи хавобгар

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи:
Д.ҚИРҒИЗБОВ
Мусаҳҳиш:
С.ҚОДИРОВ
Дизайнер:
Ю.МИХАЙЛОВСКИЙ